**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМИДОВ ШАХОБИДДИН ИЛХОМ ЎҒЛИ

ПАНЖАРАДАГИ БИР ВА ИККИ ЗАРРАЧАЛИ ШРЕДИНГЕР ОПЕРАТОРЛАРИ УЧУН БЎСАҒА ЭФФЕКТИ

01.01.01 –математик анализ

**Физика–математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Самарқанд - 2021

УДК: 517.984

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМИДОВ ШАХОБИДДИН ИЛХОМ ЎҒЛИ

ПАНЖАРАДАГИ БИР ВА ИККИ ЗАРРАЧАЛИ ШРЕДИНГЕР ОПЕРАТОРЛАРИ УЧУН БЎСАҒА ЭФФЕКТИ

01.01.01 –математик анализ

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Самарқанд - 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/FM562 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб–саҳифаси (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Лақаев Саидахмат Норжигитович** физика-математика фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	**Абдуллаев Жаникул Ибрагимович** физика–математика фанлари доктори, профессор
	Мўминов Захриддин Эшқобилович физика–математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» 12 соат 10^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231–06–32, факс: (+99866) 235–19–38, e–mail: patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (№89 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231–06–32, факс: (+99866) 235–19–38.)

Диссертация автореферати 2021 йил «17» 12 куни тарқатилди.
(2021 йил «17» 12 даги 1 рақамли реестр баённомаси).

А.С. Солеев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор

А.М. Халхўжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, физика-математика фанлари доктори

И.А.Икромов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, физика-математика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар, изланишларда аксарият ҳолларда микродунёда кечаётган жараёнларнинг илмий моделлари қаралади. Микродунё ҳодисаларини тавсифловчи квант майдонлар назариясининг ривожланиши квант механикасининг вужудга келишига асос бўлди. Квант механикасидаги ҳар қандай системада энг муҳим физик миқдорлардан бири бу энергиядир. Энергия оператори, яъни Шрёдингер операторининг спектрал хоссаларини таҳлил қилиш квант механикасининг асосий масалаларидан биридир. Панжарадаги заррачалар системаларига мос энергия оператори ҳам экспериментал кузатишларнинг назарий асоси сифатида хизмат қилади. Шу сабабли қаттиқ жисмлар физикаси, квант механикаси ва статистик физикада учрайдиган панжарадаги заррачалар системаларига мос энергия операторларининг дискрет ва муҳим спектрига оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида кубик панжарадаги бир ва икки квант заррачали система гамильтонианларига мос энергия операторлар оилаларининг спектрига оид муаммоларни ҳал этиш математик физикада муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, бир ва икки заррачали дискрет Шредингер операторлари учун боғланган ҳолатлар мавжудлигини исботлаш, унинг муҳим спектри ўрнини топиш ҳамда муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматлари мавжудлиги учун шартларни топишга оид тадқиқотларни ривожлантириш амалий-назарий жиҳатдан муҳим илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган долзарб йўналишларига эътибор янада кучайтирилди. Бу борада мамлакатимиз олимлари томонидан кубик панжарадаги бир ва икки заррачали система энергия операторларининг спектрал назариясини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Панжарадаги икки заррачали система энергия операторлари учун муҳим спектрдан ташқарида боғланган ҳолатлар мавжудлиги ва уларнинг сонини аниқлашга оид сезиларли натижаларга эришилди. “Алгебра ва унинг татбиқлари, дифференциал тенгламалар ва унинг татбиқлари, чизиқсиз тизимлар, динамик тизимлар ва уларнинг татбиқларини математик моделлаштириш, стохастик таҳлил, тиббий-биологик информатика, ҳисоблаш математикаси[1]” фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди. Бу қарор ижросини таъминлашда

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

квант майдонлар назарияси ва чизиқли операторларнинг спектрал назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бизга маълумки, бир заррачали дискрет Шрёдингер операторлари комбинаторик лапласианлар ва квант графлари соҳасида муҳим ўрин тутади. Бу соҳадаги баъзи сўнги натижалар Г.Берколаико, О.Пост, Е.Коротяев, А.Григоръян, Н.Сабурова ва Ф.Чунг каби олимларнинг ишларида ўз аксини топган. Хусусан, дискрет Шрёдингер операторлари потенциаллари дельта функциялар бўлганда бу операторлар хос қийматларининг ўзгариши С.Альбеверио, П.Фариа де Вега, Х.Шульс-Балдес, Ж.Белиссард, Ф.Хирошима, С.Н.Лақаев, Х.Хаяши, И.Бозоров, З.Мўминов ва Ў.Қулжоновларнинг ишларида муҳокама қилинган. Бу соҳадаги баъзи натижаларни икки заррачали узлуксиз Шрёдингер операторлари учун Ньютон таъкидлаб ўтган ва Х.Тамура эса Б.Саймон томонидан олинган натижалар ёрдамида исботлаган.

Панжарадаги заррачалар системалари энергия операторлари Д.С.Маттис ва А.И.Могильнерлар томонидан назарий физика масаласи сифатида ўрганилган. Панжарадаги Шредингер операторларини қатъий математик маънода тадқиқ этишда узлуксиз Шредингер операторларидаги каби муаммолар учрайди, яъни, дастлаб бир, икки ва ҳоказо заррачали операторларни ўрганиш талаб этилади. Икки заррачали узлуксиз ва дискрет Шредингер операторлари боғланган ҳолатлари энергия сатҳлари ўзаро таъсир доимийси ўзгариши натижасида узлуксиз спектрнинг қуйи бўсағасига яқинлашади ва таъсир доимийсининг баъзи қийматларида узлуксиз спектр қуйи бўсағаси билан устма-уст тушади. Бу бўсаға қийматга боғланган ҳолат ёки виртуал ҳолат мос келишини аниқлаш масаласи Б.Саймон, Дж.Раух, Д.Яфаев, М.Клауз ва С.Н.Лақаевлар томонидан ўрганилган. Узлуксиз ва дискрет Шредингер операторлари учун хос қийматнинг мавжудлиги ва ўзаро таъсир ўзгармасининг бўсағавий қийматидаги хос қийматнинг асимптотикалари М.Клауз, Д.Яфаев, Б.Саймон, Х.Тамура, А.Соболев, С.Фассари, С.Н.Лақаев, Ш.Холматов, А.М.Холхўжаев ва Ш.С.Лақаевлар каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Уч ўлчамли панжарадаги жуфт-жуфти билан ўзаро контакт потенциал ёрдамида таъсирлашувчи иккита бозонли системага мос икки заррачали дискрет Шредингер оператори учун квазиимпульснинг бўсаға эффекти, яъни номанфий Шредингер оператори муҳим спектрнинг қуйи чегарасида виртуал сатҳга ёки хос қийматга эга бўлса, қаралаётган оператор, квазиимпульснинг нолдан фарқли барча қийматларида, муҳим спектр қуйи чегарасидан пастда хос қийматга эга бўлиши ҳодисаси дастлаб С.Н.Лақаев томонидан исботланган.

Кейинчалик С.Албеверио, С.Н.Лақаев, К.Макаров, З.Мўминовлар томонидан ўлчами иккидан катта бўлган панжараларда жуфт-жуфти билан қисқа масофада таъсирлашувчи ихтиёрий икки заррачали системага мос икки заррачали Шредингер оператори учун бу эффектнинг мавжудлик шартлари операторнинг дисперсион функциялари кенг синфи учун кўрсатилган. С.Н.Лақаев, Ш.Ю.Холматов, А.М.Холхўжаев, Ш.С.Лақаев ишларида ўлчамлари бир, икки ва уч бўлган панжараларда тортишувчи контакт потенциал ёрдамида таъсирлашувчи иккита квант заррачали системага мос дискрет Шредингер операторларининг муҳим спектрдан пастда ягона хос қиймати мавжудлиги исботланган, ҳамда хос қиймат учун асимптотикалар панжаралар ўлчамлари, ўзаро таъсир доимийси ва квазиимпульсга боғлик ҳолда топилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф4-66-рақамли «Панжарадаги чекли сондаги заррачалар системаси моделлари. Энергия операторларининг муҳим ва дискрет спектрлари»(2017-2020 й.) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади панжарадаги бир ва икки заррачали Шредингер операторларининг муҳим ва дискрет спектрларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бир заррачали Шредингер операторининг муҳим спектридан қуйида хос қийматларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини потенциалга ва панжара ўлчамига боғлиқ ҳолда исботлаш;

бир заррачали Шредингер оператори муҳим спектрининг қуйи бўсағаси регуляр ёки сингуляр нуқта бўлганда ва кичик қўзғалишларда муҳим спектрдан қуйида Шредингер операторининг хос қиймати мос равишда пайдо бўлмаслиги ёки пайдо бўлишини исботлаш;

икки ўлчамли панжарадаги бир заррачали Шредингер оператори ташқи таъсир энергияси $\mu, \lambda \in R$ параметрлар орқали берилганда унинг муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматларнинг аниқ сонини ва жойлашган ўрнини топиш;

икки ўлчамли панжарадаги икки заррачали Шредингер оператори таъсир энергияси $\mu, \lambda \in R$ параметрлар орқали берилганда квазиимпульснинг ноль қийматида, унинг муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматлари сонининг ўзгаришини $\mu, \lambda \in R$ параметрларга боғлиқ кўрсатиш;

икки ўлчамли панжарадаги икки заррачали Шредингер оператори таъсир энергияси $\mu, \lambda \in R$ параметрлар орқали берилганда унинг муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматларининг сонига оператор квазиимпульсининг барча нолмас қийматларида аниқ баҳо олиш.

Тадқиқотнинг объекти кубик панжарадаги бир ва икки заррачали системалар энергия операторларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети панжарадаги бир ва икки заррачали Шредингер операторларининг спектрал хоссаларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда математик анализ, комплекс анализ, функционал анализ, математик физика, ўз-ўзига қўшма операторлар назарияси, Бирман-Швингер принципи, Фредгольм детерминантининг асимптотикасини аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бир заррачали Шредингер операторининг муҳим спектридан қуйида хос қийматларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги потенциалга ва панжара ўлчамига боғлиқ ҳолда исботланган;

бир заррачали Шредингер оператори муҳим спектрининг қуйи бўсағаси регуляр ёки сингуляр нуқта бўлганда ва кичик қўзғалишларда муҳим спектрдан қуйида Шредингер операторининг хос қиймати мос равишда пайдо бўлмаслиги ёки пайдо бўлиши исботланган;

икки ўлчамли панжарадаги бир заррачали Шредингер оператори ташқи таъсир энергияси $\mu, \lambda \in R$ параметрлар орқали берилганда унинг муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматларнинг аниқ сони ва жойлашган ўрни топилган;

икки ўлчамли панжарадаги икки заррачали Шредингер оператори таъсир энергияси $\mu, \lambda \in R$ параметрлар орқали берилганда квазиимпульснинг ноль қийматида унинг муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматлари сонининг ўзгариши $\mu, \lambda \in R$ параметрларга боғлиқ кўрсатилган ҳамда квазиимпульснинг барча нолмас қийматларида хос қийматларининг сонига аниқ баҳо олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бир заррачали Шредингер операторининг муҳим спектридан қуйида боғланган ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги потенциалга ва панжара ўлчамига боғлиқ эканлигини кўрсатиш усуллари параметрга боғлиқ умумлашган функциянинг мероморф давомидаги биринчи қутбни топиш имконини берган;

дискрет Шредингер операторининг муҳим спектрдан юқорида жойлашган хос қийматлар сонини аниқлаш усуллари муҳим спектрдан юқорида жойлашган умумлашган Фридрихс моделининг хос қийматлари мавжудлигини исботлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги ва математик анализ, комплекс анализ, функционал анализ, математик физика, ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назарияси, Бирман-Швингер принципи, Фредгольм детерминантининг асимптотикасини аниқлаш усулларининг қўлланилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назариясида, квант механикаси ва қаттиқ жисмлар физикасида панжарадаги икки ва уч заррачали система энергия операторлари спектрлари ҳамда хос қиймати мавжудлигини кўрсатиш билан боғлик масалаларни ҳал этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган илмий натижаларнинг қаттиқ жисмлар физикаси ва квант механикасида экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ва қўллашга назарий асос сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Панжарадаги бир ва икки заррачали Шрёдингер операторининг муҳим ва дискрет спектрлари бўйича олинган натижалар асосида:

бир заррачали Шредингер операторининг муҳим спектридан қуйида боғланган ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги потенциалга ва панжара ўлчамига боғлиқ эканлигини кўрсатиш усулларидан ОТ-Ф4-69 «Гармоник анализ, даражали геометрия ва уларнинг математик физика масалаларига татбиқлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада гармоник анализда тебранувчан интегралнинг тебраниши кўрсаткичини топишда фойдаланилган (Самарқанд давлат университетининг 2021 йил 23 ноябрдаги 10-4721-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши параметрга боғлиқ умумлашган функциянинг мероморф давомидаги биринчи қутбни топиш имконини берган;

дискрет Шредингер операторининг муҳим спектрдан юқорида жойлашган хос қийматлар сонини аниқлаш усулларидан ERGS/1/2/2013/STG06/UKM/01/2 рақамли хорижий грантда қўзғалиш ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс моделининг ягона хос қиймати мавжудлигини исботлашда фойдаланилган (Малайзия Кебангсаан университетининг 2021 йил 24 ноябрдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши муҳим спектрдан юқорида жойлашган умумлашган Фридрихс моделининг хос қийматлари мавжудлигини исботлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон

Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида 5 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 98 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Бошланғич маълумотлар ва панжарадаги бир ва икки заррачали система гамильтонианлари»** деб номланган ва бунда асосий натижаларни баён қилиш учун зарур бўлган тушунчалар ва натижалар, жумладан чегараланган ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назариясининг зарур теоремалари келтирилган, ҳамда бир заррачали ва иккита бир хил бозонлар системаси гамильтонианларининг координата ва импульс кўринишларида чегараланган ўз-ўзига қўшма операторлар сифатида мос гильберт фазоларида қаралган. Икки заррачали система тўла квазиимпульси киритилиб, икки бозонли система гамильтониани Фон-Нейман интегралига ёйилган. Натижада икки бозонли система гамильтониани спектрини ўрганиш масаласи қават операторлар, яъни дискрет Шредингер операторлари спектрал хоссаларини ўрганиш масаласига келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Панжарадаги бир заррачали Шредингер операторининг спектри ҳақида»** деб номланган бўлиб, бу бобда бир заррачали Шредингер операторининг муҳим спектридан қуйида боғланган ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги потенциалга ва панжара ўлчамига боғлиқ эканлиги кўрсатилган. Бундан ташқари икки ўлчамли панжарадаги бир заррачали Шредингер оператори ташқи таъсир энергияси $\mu, \lambda \in R$ параметрлар орқали берилганда унинг муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматларнинг аниқ сони ва жойлашган ўрни аниқланган.

Фараз қилайлик, $\mathrm{Z}^d -$ $d-$ўлчамли кубик панжара ва $\ell^2(\mathrm{Z}^d)-$ Z^dда аниқланган квадрати билан жамланувчи функциялар гилберт фазоси ҳамда $\ell^1(\mathrm{Z}^d)-\mathrm{Z}^d$да аниқланган жамланувчи функциялар Банах фазоси бўлсин. Шунингдек, $\ell^1(\mathrm{Z}^d;\mathrm{R}_0^-)\subset \ell^1(\mathrm{Z}^d)-$жамланувчи номусбат функциялар тўплами бўлсин. Бир заррачали Шредингер оператори $\hat{H}_{\hat{V}}$нинг координат тасвири $\ell^2(\mathrm{Z}^d)$ гильберт фазосида қуйидаги формула билан аниқланган:

$$\hat{H}_{\hat{V}} = \hat{H}_0 + \hat{V}.$$

Бу ерда $\hat{H}_0$ оператор ўрама типидаги оператор бўлиб,

$$(\hat{H}_0 \hat{f})(x) = \sum_{s \in \mathrm{Z}^d} \hat{\varepsilon}(x-s)\hat{f}(s), \qquad \hat{f} \in \ell^2(\mathrm{Z}^d),$$

формула билан аниқланган. Бунда, $\hat{\varepsilon}(\cdot) \in \ell^1(\mathrm{Z}^d)$. Шунинг билан биргаликда $\hat{\varepsilon}(s) = \overline{\hat{\varepsilon}(-s)}, \quad s \in \mathrm{Z}^d$, шартни қаноатлантирсин.

$\hat{V}$ оператор $\hat{v} \in \ell^1(\mathrm{Z}^d; \mathrm{R}_0^-)$ функцияга кўпайтириш оператори сифатида аниқланган, яъни

$$(\hat{V}\hat{f})(x) = \hat{v}(x)\hat{f}(x), \qquad \hat{f} \in \ell^2(\mathrm{Z}^d).$$

T^d - $d-$ўлчамли тор, яъни $(-\pi, \pi]^d$ куб, dp- T^d торда аниқланган Хаар ўлчови, яъни $\int_{\mathrm{T}^d} dp = 1$ ва $L^2(\mathrm{T}^d) - \mathrm{T}^d$да аниқланган квадрати билан интегралланувчи функциялар гилберт фазоси бўлсин. Бир заррачали Шредингер оператори H_V нинг импулс тасвири $L^2(\mathrm{T}^d)$ гильберт фазосида қуйидаги формула билан аниқланган:

$$H_V = H_0 + V.$$

Қўзғалмас H_0 оператори $L^2(\mathrm{T}^d)$ фазода $\varepsilon(\cdot)$ функцияга кўпайтириш оператори бўлиб,

$$(H_0 f)(p) = \varepsilon(p) f(p), \quad f \in L^2(\mathrm{T}^d),$$

формула билан аниқланган. Бунда,

$$\varepsilon(p) = \sum_{x \in \mathrm{Z}^d} e^{i(p,x)} \hat{\varepsilon}(x), \qquad p \in \mathrm{T}^d,$$

ҳақиқий қийматли узлуксиз жуфт функция.

V ўзаро таъсир (қўзғатиш) оператори $L^2(\mathrm{T}^d)$ фазода қуйидаги формула билан аниқланган:

$$(Vf)(p) = \int_{\mathrm{T}^d} v(p-q) f(q) dq, \quad f \in L^2(\mathrm{T}^d).$$

Бунда,

$$v(p) = \sum_{x \in \mathrm{Z}^d} e^{i(p,x)} \hat{v}(x), \qquad p \in \mathrm{T}^d.$$

$\hat{V}$ компакт оператор эканлигидан Г.Вейл теоремасига асосан $\hat{H}_{\hat{V}}$ операторнинг муҳим спектри $\hat{H}_0$ операторнинг муҳим спектри билан устма-уст тушади, яъни

$$\sigma_{ess}(\hat{H}_{\hat{V}}) = \sigma_{ess}(\hat{H}_0) = \sigma(H_0) = [\varepsilon_{\min}, \varepsilon_{max}],$$

бунда

$$\varepsilon_{\min} = \min_{p \in \mathrm{T}^d} \varepsilon(p), \qquad \varepsilon_{\max} = \max_{p \in \mathrm{T}^d} \varepsilon(p).$$

Фараз қилайлик, $C^n(\mathrm{T}^d)$, $n = 0,1,2,...$ T^dда n марта узлуксиз дифференциалланувчи функцияларнинг Банах фазоси бўлсин.

1-шарт. *(i)* Дисперсион муносабат $\varepsilon(\cdot)\in C^3(\mathrm{T}^d)$ ҳақиқий қийматли жуфт функция ҳамда $p_1,...p_l\in\mathrm{T}^d\,(p_1=0\in\mathrm{T}^d)$ нуқталарда айнимаган минимумга эга.

(ii) Айнан нол бўлмаган номусбат $\hat{v}$ функция абсолют жамланувчи, яъни $\hat{v}\in\ell^1(\mathrm{Z}^d;\mathrm{R}_0^-),\quad d\geq 3.$

1-таъриф. Фараз қилайлик, $d\geq 3$ва 1-шарт ўринли бўлсин. Умумлашган Бирман-Швингер оператори $\hat{\mathrm{B}}_{\hat{V}}(\varepsilon_{\min})$ни $\ell^2(\mathrm{Z}^d)$да интеграл оператор сифатида қуйидагича аниқлаймиз:

$$[\hat{\mathrm{B}}_{\hat{V}}(\varepsilon_{\min})\hat{\psi}](x):=[|\hat{V}|^{\frac{1}{2}}\hat{R}_0(\varepsilon_{\min})|\hat{V}|^{\frac{1}{2}}\hat{\psi}](x)$$

2-таъриф. Фараз қилайлик, $d\geq 3$ бўлсин. Агар 1 сони $\hat{\mathrm{B}}_{\hat{V}}(\varepsilon_{\min})$ оператор учун хос қиймат бўлмаса (хос қиймат бўлса), у ҳолда муҳим спектр $\sigma_{ess}(\hat{H}_{\hat{V}})$нинг $z=\varepsilon_{\min}$ бўсағаси $\hat{H}_{\hat{V}}$ операторнинг муҳим спектрининг регуляр (сингуляр) нуқтаси дейилади.

1-теорема. Фараз қилайлик, $d\geq 3$ ва 1-шарт ўринли бўлсин. Бирор $\hat{v}_0\in\ell^1(\mathrm{Z}^d;\mathrm{R}_0^-)$ учун $\varepsilon_{\min}$бўсаға $\hat{H}_{\hat{V}_0}$операторнинг муҳим спектрининг регуляр нуқтаси бўлсин. У ҳолда $\hat{v}_0$нинг шундай $U(\hat{v}_0)\subset\ell^1(\mathrm{Z}^d;\mathrm{R}_0^-)$ атрофи мавжудки, барча $\hat{v}\in U(\hat{v}_0)$ учун $\varepsilon_{\min}$бўсағадан қуйида $\hat{H}_{\hat{V}}$операторнинг хос қийматлари сони ўзгармайди.

Ўзаро таъсир $\hat{v}\in\ell^1(\mathrm{Z}^d;\mathrm{R}_0^-)$ учун

$$U_\gamma^{>}(\hat{v}_0):=\{\hat{v}\in\ell^1(\mathrm{Z}^d;\mathrm{R}_0^-):\left\|\hat{v}-\hat{v}_0\right\|_{\ell^1(\mathrm{Z}^d;\mathrm{R}_0^-)}<\gamma,\left\|\hat{\mathrm{B}}_{\hat{V}}(\varepsilon_{\min})\right\|>1\},$$
$$U_\gamma^{=}(\hat{v}_0):=\{\hat{v}\in\ell^1(\mathrm{Z}^d;\mathrm{R}_0^-):\left\|\hat{v}-\hat{v}_0\right\|_{\ell^1(\mathrm{Z}^d;\mathrm{R}_0^-)}<\gamma,\left\|\hat{\mathrm{B}}_{\hat{V}}(\varepsilon_{\min})\right\|=1\},$$
$$U_\gamma^{<}(\hat{v}_0):=\{\hat{v}\in\ell^1(\mathrm{Z}^d;\mathrm{R}_0^-):\left\|\hat{v}-\hat{v}_0\right\|_{\ell^1(\mathrm{Z}^d;\mathrm{R}_0^-)}<\gamma,\left\|\hat{\mathrm{B}}_{\hat{V}}(\varepsilon_{\min})\right\|<1\},$$

қисм тўпламларни аниқлаймиз.

2-теорема. Фараз қилайлик, $d\geq 3$ ва 1-шарт ўринли бўлсин. Бирор нолмас $\hat{v}_0\in\ell^1(\mathrm{Z}^d;\mathrm{R}_0^-)$ функция учун $\left\|\hat{\mathrm{B}}_{\hat{V}_0}(\varepsilon_{\min})\right\|=1$ тенглик ўринли бўлсин. У ҳолда шундай $\gamma>0$ сон мавжудки, қуйидагилар ўринли бўлади:

(i) Барча $\hat{v}\in U_\gamma^{>}(\hat{v}_0)$учун $\hat{H}_{\hat{V}}$оператор $\varepsilon_{\min}$бўсағадан қуйида $z_{\hat{v}}$ хос қийматга эга бўлади;

(ii) $d=3{,}4$ бўлсин. Барча $\hat{v}\in U_\gamma^{=}(\hat{v}_0)$учун $\varepsilon_{\min}$бўсаға $\hat{H}_{\hat{V}}$оператор учун виртуал сатҳ бўлади;

(iii) $d\geq 5$ бўлсин. Барча $\hat{v}\in U_\gamma^{=}(\hat{v}_0)$учун $\varepsilon_{\min}$бўсаға $\hat{H}_{\hat{V}}$операторнинг хос қиймати бўлади;

(iv) Барча $\hat{v} \in U_{\gamma}^{<}(\hat{v}_0)$ учун $\varepsilon_{\min}$ бўсаға $\hat{H}_{\hat{V}}$ операторнинг муҳим спектрининг регуляр нуқтаси бўлади ва шунинг учун $\hat{H}_{\hat{V}}$ оператор $\varepsilon_{\min}$ бўсағадан қуйида хос қийматга ҳам эга бўлмайди ҳамда $\varepsilon_{\min}$ бўсаға $\hat{H}_{\hat{V}}$ оператор учун виртуал сатҳ ҳам бўлмайди.

Фараз қилайлик, $L^{2,e}(\mathrm{T}^2) - \mathrm{T}^2$ да аниқланган квадрати билан интегралланувчи жуфт функцияларнинг гилберт фазоси бўлсин. Бир заррачали дискрет Шредингер оператори $H_{\mu\lambda}$ нинг импулс тасвири $L^{2,e}(\mathrm{T}^2)$ гильберт фазосида қуйидаги формула билан аниқланган:

$$H_{\mu\lambda} = H_0 + V_{\mu\lambda}.$$

Бу ерда H_0 оператор $L^{2,e}(\mathrm{T}^2)$ фазода $\varepsilon(\cdot)$ функцияга кўпайтириш оператори бўлиб,

$$(H_0 f)(p) = \varepsilon(p) f(p),$$

формула билан аниқланган. Бунда,

$$\varepsilon(p) = \sum_{i=1}^{2} (1 - \cos p_i).$$

ҳақиқий қийматли узлуксиз жуфт функция.
$V_{\mu\lambda}$ интеграл оператори қуйидаги формула билан аниқланган:

$$(V_{\mu\lambda} f)(p) = \int_{\mathrm{T}^2} v_{\mu\lambda}(p-q) f(q) dq = \int_{\mathrm{T}^2} (\mu + \lambda \sum_{i=1}^{2} \cos p_i \cos q_i) f(q) dq, \qquad f \in L^{2,e}(\mathrm{T}^2).$$

Бунда,

$$v(p) = \sum_{x \in \mathrm{Z}^d} e^{i(p,x)} \hat{v}(x), \qquad p \in \mathrm{T}^3,$$

бу ерда,

$$\hat{v}(x) = \begin{cases} \mu, & |s| = 0, \\ \dfrac{\lambda}{2}, & |s| = 1, \\ 0, & |s| > 1. \end{cases}$$

$V_{\mu\lambda}$ операторнинг ранги учга тенг, шунинг учун Г.Вейл теоремасига асосан $H_{\mu\lambda}$ операторнинг муҳим спектри H_0 операторнинг спектри билан устма-уст тушади, яъни

$$\sigma_{ess}(H_{\mu\lambda}) = \sigma(H_0) = [\varepsilon_{\min}, \varepsilon_{max}] = [0,4].$$

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$a(z) = \int_{\mathrm{T}^2} \frac{dq}{z - \varepsilon(q)}, \qquad b(z) = \int_{\mathrm{T}^2} \frac{\cos q_i dq}{z - \varepsilon(q)}, \qquad c(z) = \int_{\mathrm{T}^2} \frac{\cos^2 q_i dq}{z - \varepsilon(q)},$$

$$d(z) = \int_{\mathrm{T}^2} \frac{\cos q_i \cos q_j dq}{z - \varepsilon(q)}, \qquad i, j = 1,2, \qquad i \neq j.$$

3-теорема. *(i)* Агар $\mu > 0$ бўлса, у ҳолда $H_{\mu 0}$ оператор $(4,+\infty)$ интервалда ягона $\zeta^{+}(\mu)$ хос қийматга эга бўлади;

(ii) Агар $\mu < 0$ бўлса, у ҳолда $H_{\mu 0}$ оператор $(-\infty,0)$ интервалда ягона $\zeta^{-}(\mu)$ хос қийматга эга бўлади.

4-теорема. *(i)* Агар $\lambda > 0$ бўлса, у ҳолда $H_{0\lambda}$ оператор $(4,+\infty)$ интервалда ягона $\zeta^{+}(\lambda)$ хос қийматга эга бўлади;

(ii) Агар $\lambda < 0$ бўлса, у ҳолда $H_{0\lambda}$ оператор $(-\infty,0)$ интервалда ягона $\zeta^{-}(\lambda)$ хос қийматга эга бўлади.

1-натижа. $\Delta(\mu,\lambda,z)$ детерминант учун қуйидаги асимптотикалар ўринли:

(i) $z \in (4,+\infty)$ бўлсин. У ҳолда $z \to 4+$ учун қуйидагига эга бўламиз:

$$\Delta(\mu,\lambda,z) = [C_{-1}^{+}(\mu,\lambda)\ln(z-4) + C_{0}^{+}(\mu,\lambda)][\lambda(c(4)-d(4))-1] + o(z-4),$$

бу ерда

$$C_{-1}^{+}(\mu,\lambda) = \frac{1}{2\pi}(2\lambda + \mu - \lambda\mu), \qquad C_{0}^{+}(\mu,\lambda) = \frac{1}{2}(2 + 2\lambda - \lambda\mu).$$

(ii) $z \in (-\infty,0)$ бўлсин. У холда $z \to 0-$ учун қуйидагига эга бўламиз:

$$\Delta(\mu,\lambda,z) = [C_{-1}^{-}(\mu,\lambda)\ln(-z) + C_{0}^{-}(\mu,\lambda)][\lambda(c(0)-d(0))-1] + o(-z),$$

бу ерда

$$C_{-1}^{-}(\mu,\lambda) = -\frac{1}{2\pi}(2\lambda + \mu + \lambda\mu), \qquad C_{0}^{-}(\mu,\lambda) = \frac{1}{2}(2 - 2\lambda - \lambda\mu).$$

Асосий теоремани баён қилиш учун қуйидаги соҳаларни киритамиз:

$G_{3,+} = \{(\mu,\lambda) \in \mathrm{R}^2 : C_{-1}^{+}(\mu,\lambda) < 0, \quad \lambda_0^{+} < \lambda\},$

$G_{2,+} = \{(\mu,\lambda) \in \mathbb{R}^2 : C_{-1}^{+}(\mu,\lambda) < 0, \quad 0 < \lambda < \lambda_0^{+}, \quad 2 < \mu \quad or \quad C_{-1}^{+}(\mu,\lambda) > 0, \quad \lambda > \lambda_0^{+}\},$

$G_{1,+} = \{(\mu,\lambda) \in \mathrm{R}^2 : C_{-1}^{+}(\mu,\lambda) > 0, \quad \lambda < \lambda_0^{+}\},$

$G_{0,+} = \{(\mu,\lambda) \in \mathrm{R}^2 : C_{-1}^{+}(\mu,\lambda) < 0, \quad \lambda < \lambda_0^{+}, \quad \mu < 2\}$

ва

$G_{3,-} = \{(\mu,\lambda) \in \mathrm{R}^2 : C_{-1}^{-}(\mu,\lambda) < 0, \quad \lambda_0^{-} > \lambda\},$

$G_{2,-} = \{(\mu,\lambda) \in \mathbb{R}^2 : C_{-1}^{-}(\mu,\lambda) < 0, \quad \lambda_0^{-} < \lambda < 0, \quad \mu < -2 \quad or \quad C_{-1}^{-}(\mu,\lambda) > 0, \quad \lambda < \lambda_0^{-}\},$

$G_{1,-} = \{(\mu,\lambda) \in \mathrm{R}^2 : C_{-1}^{-}(\mu,\lambda) > 0, \quad \lambda > \lambda_0^{-}\},$

$G_{0,-} = \{(\mu,\lambda) \in \mathrm{R}^2 : C_{-1}^{-}(\mu,\lambda) < 0, \quad \lambda > \lambda_0^{-}, \quad -2 < \mu\}.$

5-теорема. *(i)* Фараз қилайлик, $(\mu,\lambda) \in G_{03} = G_{3,+}$. У ҳолда $H_{\mu\lambda}$ оператор муҳим спектрдан қуйида хос қийматга эга эмас, аммо муҳим спектрдан юқорида қуйидаги муносабатларни қаноатлантирувчи учта $z_1^{+}(\mu,\lambda), \quad z_2^{+}(\mu,\lambda) \quad ва \quad z_3^{+}(\lambda)$ хос қийматларга эга:

$$4 < z_2^{+}(\mu,\lambda) < \zeta_{\min}^{+}(\mu,\lambda) \le \zeta_{\max}^{+}(\mu,\lambda) < z_1^{+}(\mu,\lambda) \quad ва \quad 4 < z_3^{+}(\lambda).$$

(ii) Фараз қилайлик, $(\mu,\lambda)\in G_{02}=G_{0,-}\bigcap G_{2,+}$. У ҳолда $H_{\mu\lambda}$ оператор муҳим спектрдан қуйида хос қийматга эга эмас, аммо муҳим спектрдан юқорида қуйидаги муносабатларни қаноатлантирувчи иккита $z_1^+(\mu,\lambda)$ *ва* $z_2^+(\mu,\lambda)$ хос қийматларга эга:

$$4<z_2^+(\mu,\lambda)<\zeta_{\min}^+(\mu,\lambda)\le\zeta_{\max}^+(\mu,\lambda)<z_1^+(\mu,\lambda).$$

(iii) Фараз қилайлик, $(\mu,\lambda)\in G_{01}=G_{0,-}\bigcap G_{1,+}$. У ҳолда $H_{\mu\lambda}$ оператор муҳим спектрдан қуйида хос қийматга эга эмас, аммо муҳим спектрдан юқорида ягона $z_1^+(\mu,\lambda)$ хос қийматга эга.

(iv) Фараз қилайлик, $(\mu,\lambda)\in G_{11}=G_{1,-}\bigcap G_{1,+}$. У ҳолда $H_{\mu\lambda}$ оператор қуйидаги муносабатларни қаноатлантирувчи иккита $z_1^-(\mu,\lambda)$ *ва* $z_1^+(\mu,\lambda)$ хос қийматларга эга:

$$z_1^-(\mu,\lambda)<0 \quad \text{ва} \quad 4<z_1^+(\mu,\lambda).$$

(v) Фараз қилайлик, $(\mu,\lambda)\in G_{12}=G_{1,-}\bigcap G_{2,+}$. У ҳолда $H_{\mu\lambda}$ оператор қуйидаги муносабатларни қаноатлантирувчи учта $z_1^-(\mu,\lambda)$, $z_1^+(\mu,\lambda)$ *ва* $z_2^+(\mu,\lambda)$ хос қийматларга эга:

$$z_1^-(\mu,\lambda)<0 \quad \text{ва} \quad 4<z_2^+(\mu,\lambda)<\zeta_{\min}^+(\mu,\lambda)\le\zeta_{\max}^+(\mu,\lambda)<z_1^+(\mu,\lambda).$$

(vi) Фараз қилайлик, $(\mu,\lambda)\in G_{21}=G_{2,-}\bigcap G_{1,+}$. У ҳолда $H_{\mu\lambda}$ оператор қуйидаги муносабатларни қаноатлантирувчи учта $z_1^-(\mu,\lambda)$, $z_2^-(\mu,\lambda)$ *ва* $z_1^+(\mu,\lambda)$ хос қийматларга эга:

$$z_1^-(\mu,\lambda)<\zeta_{\min}^-(\mu,\lambda)\le\zeta_{\max}^-(\mu,\lambda)<z_2^-(\mu,\lambda)<0 \quad \text{ва} \quad 4<z_1^+(\mu,\lambda).$$

(vii) Фараз қилайлик, $(\mu,\lambda)\in G_{10}=G_{1,-}\bigcap G_{0,+}$. У ҳолда $H_{\mu\lambda}$ оператор муҳим спектрдан қуйида ягона $z_1^-(\mu,\lambda)$ хос қийматга эга, аммо муҳим спектрдан юқорида хос қийматга эга эмас.

(viii) Фараз қилайлик, $(\mu,\lambda)\in G_{20}=G_{2,-}\bigcap G_{0,+}$. У ҳолда $H_{\mu\lambda}$ оператор муҳим спектрдан қуйида қуйидаги муносабатларни қаноатлантирувчи иккита $z_1^-(\mu,\lambda)$ *ва* $z_2^-(\mu,\lambda)$ хос қийматларга эга:

$$z_1^-(\mu,\lambda)<\zeta_{\min}^-(\mu,\lambda)\le\zeta_{\max}^-(\mu,\lambda)<z_2^-(\mu,\lambda)<0,$$

аммо муҳим спектрдан юқорида хос қийматга эга эмас.

(ix) Фараз қилайлик, $(\mu,\lambda)\in G_{30}=G_{3,-}$. У ҳолда $H_{\mu\lambda}$ оператор муҳим спектрдан қуйида қуйидаги муносабатларни қаноатлантирувчи учта $z_1^-(\mu,\lambda)$, $z_2^-(\mu,\lambda)$ *ва* $z_3^-(\lambda)$ хос қийматларга эга:

$$z_1^-(\mu,\lambda)<\zeta_{\min}^-(\mu,\lambda)\le\zeta_{\max}^-(\mu,\lambda)<z_2^-(\mu,\lambda)<0 \quad \text{ва} \quad z_3^-(\lambda)<0,$$

аммо муҳим спектрдан юқорида хос қийматга эга эмас.

Диссертациянинг учинчи боби **«Бир тугунда ва энг яқин қўшни тугунлар билан таъсирга эга Бозе-Хаббард моделлари: Айнан ечилиши мумкин бўлган ҳол»** деб номланган бўлиб, бу бобда икки ўлчамли панжарадаги икки заррачали Шредингер оператори таъсир энергияси $\mu, \lambda \in R$ параметрлар орқали берилганда, квазиимпульсининг ноль қийматида, унинг муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматлари сонининг ўзгариши $\mu, \lambda \in R$ параметрларга боғлиқ кўрсатилган. Бундан ташқари икки ўлчамли панжарадаги икки заррачали Шредингер оператори таъсир энергияси $\mu, \lambda \in R$ параметрлар орқали берилганда унинг муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматларининг сонига оператор квазиимпульсининг барча нолмас қийматларида аниқ баҳо олинган.

Икки бозонли системага мос дискрет Шредингер оператори $L^{2,e}(\mathrm{T}^2)$ гильберт фазосида қуйидаги формула билан аниқланган:

$$H_{\mu\lambda}(K) = H_0(K) + V_{\mu\lambda},\, K \in \mathrm{T}^2,$$

бу ерда $H_0(K)$ қўзғалмас оператор $\varepsilon_K(p) = 2\sum_{i=1}^{2}(1 - \cos\frac{K_i}{2}\cos p_i)$ функцияга кўпайтириш оператори сифатида аниқланган.

Қўзғалиш оператори $V_{\mu\lambda}$ қуйидагича аниқланган:

$$(V_{\mu\lambda} f)(p) = \frac{1}{(2\pi)^2}\int_{\mathrm{T}^2}(\mu + \lambda\sum_{i=1}^{2}\cos p_i \cos q_i) f(q)dq, \qquad f \in L^{2,e}(\mathrm{T}^2).$$

$V_{\mu\lambda}$ операторнинг ранги учга тенг бўлгани учун Г.Вейл теоремасига асосан $H_{\mu\lambda}(K)$ операторнинг муҳим спектри $H_0(K)$ операторнинг спектри билан устма-уст тушади, яъни

$$\sigma_{ess}(H_{\mu\lambda}(K)) = \sigma(H_0(K)) = [\varepsilon_{\min}(K), \varepsilon_{max}(K)],$$

бу ерда

$$\varepsilon_{\min}(K) := \min_{p \in \mathrm{T}^2} \varepsilon_K(p) = 2\sum_{i=1}^{2}(1 - \cos\frac{K_i}{2}) \geq 0 = \varepsilon_{\min}(0),$$

$$\varepsilon_{\max}(K) := \max_{p \in \mathrm{T}^2} \varepsilon_K(p) = 2\sum_{i=1}^{2}(1 + \cos\frac{K_i}{2}) \leq 8 = \varepsilon_{\max}(0).$$

6-теорема. Фараз қилайлик, бирор $\mu, \lambda \in \mathrm{R}$ учун $H_{\mu\lambda}(0)$ оператор муҳим спектрдан қуйида (юқорида) n та хос қийматга эга бўлсин. У ҳолда ҳар бир $K \in \mathrm{T}^2$ учун $H_{\mu\lambda}(K)$ оператор муҳим спектрдан қуйида (юқорида) камида n та хос қийматга эга бўлади.

$(\mu, \lambda) -$ текисликда қуйидаги тўққизта тўпламларни аниқлаймиз:

$$S_{01} := \{(\mu, \lambda) \in \mathrm{R}^2 : \lambda > \frac{\pi}{4 - \pi}\},$$

$$S_{00} := \{(\mu, \lambda) \in \mathrm{R}^2 :| \lambda |< \frac{\pi}{4 - \pi}\},$$

$$S_{10} := \{(\mu, \lambda) \in \mathrm{R}^2 : \lambda < \frac{\pi}{4 - \pi}\},$$

$$C_0^+ := \{(\mu,\lambda) \in \mathrm{R}^2 : \lambda\mu - 4\lambda - 2\mu > 0, \lambda < 2\},$$
$$C_1^+ := \{(\mu,\lambda) \in \mathrm{R}^2 : \lambda\mu - 4\lambda - 2\mu < 0\},$$
$$C_2^+ := \{(\mu,\lambda) \in \mathrm{R}^2 : \lambda\mu - 4\lambda - 2\mu > 0, \lambda > 2\},$$
$$C_0^- := \{(\mu,\lambda) \in \mathrm{R}^2 : \lambda\mu + 4\lambda + 2\mu > 0, \lambda > -2\},$$
$$C_1^- := \{(\mu,\lambda) \in \mathrm{R}^2 : \lambda\mu + 4\lambda + 2\mu < 0\},$$
$$C_2^- := \{(\mu,\lambda) \in \mathrm{R}^2 : \lambda\mu + 4\lambda + 2\mu > 0, \lambda < -2\}.$$

Фараз қилайлик, $n_+(H_{\mu\lambda}(K))$ $(n_-(H_{\mu\lambda}(K)),$ $H_{\mu\lambda}(K)$ операторнинг муҳим спектридан юқоридаги (қуйидаги) хос қийматлари сони бўлсин.

7-теорема. Фараз қилайлик, $K \in \mathrm{T}^2$ ва $(\mu,\lambda) \in \mathrm{R}^2$ бўлсин. У ҳолда

$$(\mu,\lambda) \in C_2^+ \cap S_{01} \quad \Rightarrow \quad n_+(H_{\mu\lambda}(K)) = 3,$$
$$(\mu,\lambda) \in C_2^+ \Delta S_{01} \quad \Rightarrow \quad n_+(H_{\mu\lambda}(K)) \geq 2,$$
$$(\mu,\lambda) \in C_1^+ \setminus S_{01} \quad \Rightarrow \quad n_+(H_{\mu\lambda}(K)) \geq 1,$$
$$(\mu,\lambda) \in \overline{C_0^+} \quad \Rightarrow \quad n_+(H_{\mu\lambda}(K)) = 0,$$

ва

$$(\mu,\lambda) \in C_2^- \cap S_{10} \quad \Rightarrow \quad n_-(H_{\mu\lambda}(K)) = 3,$$
$$(\mu,\lambda) \in C_2^- \Delta S_{10} \quad \Rightarrow \quad n_-(H_{\mu\lambda}(K)) \geq 2,$$
$$(\mu,\lambda) \in C_1^- \setminus S_{10} \quad \Rightarrow \quad n_-(H_{\mu\lambda}(K)) \geq 1,$$
$$(\mu,\lambda) \in \overline{C_0^-} \quad \Rightarrow \quad n_-(H_{\mu\lambda}(K)) = 0$$

муносабатлар ўринли бўлади.

8-теорема. Фараз қилайлик, $K = 0$ бўлсин. У ҳолда 7-теоремадаги барча тенгсизликлар учун тенглик ўринли бўлади.

Бундан ташқари

$$L^{2,e,s}(\mathrm{T}^2) := \{f \in L^{2,e}(\mathrm{T}^2) : f(p_1, p_2) = f(p_2, p_1), p_1, p_2 \in \mathrm{T}\}$$

ва

$$L^{2,e,a}(\mathrm{T}^2) := \{f \in L^{2,e}(\mathrm{T}^2) : f(p_1, p_2) = -f(p_2, p_1), p_1, p_2 \in \mathrm{T}\}$$

симметрик ва антисимметрик жуфт функциялар фазоси бўлиб, улар $H_{\mu\lambda}(0)$ операторга нисбатан инвариант ҳамда қуйидаги тасдиқлар ўринли:

(i) Агар $(\mu,\lambda) \in \overline{S_{00}}$ бўлса, у ҳолда $H_{\mu\lambda}(0)$ оператор муҳим спектрдан ташқарида антисимметрик боғланган ҳолатга эга эмас.

(ii) Агар $(\mu,\lambda) \in S_{01}$ $((\mu,\lambda) \in S_{10})$ бўлса, у ҳолда $H_{\mu\lambda}(0)$ оператор муҳим спектрдан юқорида (қуйида) ягона антисимметрик боғланган ҳолатга эга.

(iii) Агар $(\mu,\lambda) \in C_2^+$ $((\mu,\lambda) \in C_2^-)$ бўлса, у ҳолда $H_{\mu\lambda}(0)$ оператор муҳим спектрдан юқорида (қуйида) айнан иккита симметрик боғланган ҳолатга эга.

(iv) Агар $(\mu,\lambda)\in C_1^+\bigcup\partial C_2^+$ $((\mu,\lambda)\in C_1^-\bigcup\partial C_2^-)$ бўлса, у ҳолда $H_{\mu\lambda}(0)$ оператор муҳим спектрдан юқорида (қуйида) ягона симметрик боғланган ҳолатга эга.

(v) Агар $(\mu,\lambda)\in\overline{C_0^+}$ $((\mu,\lambda)\in\overline{C_0^-})$ бўлса, у ҳолда $H_{\mu\lambda}(0)$ оператор муҳим спектрдан юқорида (қуйида) симметрик боғланган ҳолатга эга эмас.

1-лемма. Қуйидаги тенглик ўринли:

$$\sigma(H_{\mu\lambda}(0))=\sigma(H_{\mu\lambda}^s)\bigcup\sigma(H_\lambda^a),$$

бу ерда

$$H_{\mu\lambda}^s:=H_0(0)+V_{\mu\lambda}^s \quad ва \quad H_\lambda^a:=H_0(0)+V_\lambda^a,$$

ҳамда

$$(V_{\mu\lambda}^s f)(p)=\frac{\mu}{4\pi^2}\int\limits_{T^2}f(q)dq+\frac{\lambda}{8\pi^2}(\cos p_1+\cos p_2)\int\limits_{T^2}(\cos q_1+\cos q_2)f(q)dq$$

ва

$$(V_\lambda^a f)(p)=\frac{\lambda}{8\pi^2}(\cos p_1-\cos p_2)\int\limits_{T^2}(\cos q_1-\cos q_2)f(q)dq$$

операторлар $H_{\mu\lambda}(0)$нинг $L^{2,e,s}(T^2)$ ва $L^{2,e,a}(T^2)$ фазолардаги қисми.

9-теорема. Фиксирланган $(\mu,\lambda)\in R^2$ учун қуйидагилар ўринли:

(i) Агар $2\lambda+\mu\geq 0$ бўлса, у ҳолда $H_{\mu\lambda}^s$ оператор 8 дан катта камида битта хос қийматга эга.

(ii) Агар $2\lambda+\mu\leq 0$ бўлса, у ҳолда $H_{\mu\lambda}^s$ оператор камида битта манфий хос қийматга эга.

ХУЛОСА

Диссертация иши панжарадаги бир ва икки заррачали Шредингер операторларининг муҳим ва дискрет спектрларини тадқиқ килишга бағишланган.

Асосий тадқиқот натижалари қуйидагилардан иборат:

бир заррачали Шредингер операторининг муҳим спектридан қуйида боғланган ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги потенциалга ва панжара ўлчамига боғлиқ ҳолда исботланган;

бир заррачали Шредингер оператори муҳим спектрининг қуйи бўсағаси регуляр ёки сингуляр нуқта бўлганда ва кичик қўзғалишларда муҳим спектрдан қуйида Шредингер операторининг хос қиймати мос равишда пайдо бўлмаслиги ёки пайдо бўлиши исботланган;

икки ўлчамли панжарадаги бир заррачали Шредингер оператори ташқи таъсир энергияси $\mu, \lambda \in R$ параметрлар орқали берилганда унинг муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматларнинг аниқ сони ва жойлашган ўрни аниқланган;

икки ўлчамли панжарадаги икки заррачали Шредингер оператори таъсир энергияси $\mu, \lambda \in R$ параметрлар орқали берилганда квазиимпульснинг ноль қийматида унинг муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматлари сонининг ўзгариши $\mu, \lambda \in R$ параметрларга боғлиқ кўрсатилган;

икки ўлчамли панжарадаги икки заррачали Шредингер оператори таъсир энергияси $\mu, \lambda \in R$ параметрлар орқали берилганда унинг муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматларининг сонига оператор квазиимпульсининг барча нолмас қийматларида аниқ баҳо олинган.

SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 AT SAMARKAND STATE UNIVERSITY

SAMARKAND STATE UNIVERSITY

KHAMIDOV SHAKHOBIDDIN ILKHOM UGLI

THE THRESHOLD EFFECTS FOR ONE- AND TWO- PARTICLE OF THE SCHRÖDINGER OPERATORS ON A LATTICE

01.01.01-Mathematical analysis

ABSTRACT OF DISSERTATION
for the doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences

Samarkand – 2021

The theme of dissertation of doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2021.2.PhD/FM562.

The dissertation was performed at the Samarkand State University.

The abstract of dissertation is posted in three languages (Uzbek, English and Russian (resume)) on the website (www.samdu.uz) and in the website «Ziyonet» Information and educational portal (www.ziyonet.uz).

Scientific superviser:	**Lakaev Saidakhmat Norjigitovich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor, Academician
Official opponents:	**Abdullayev Janikul Ibragimovich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor
	Muminov Zahriddin Eshkobilovich Doctor of Physical and Mathematical Sciences
Leading organization:	**Bukhara State University**

Defense will take place «29» 12 2021 at 10^{00} at the meeting of Scientific Council number DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 at Samarkand State University. (Address: University Boulevard 15, Samarkand city, 140104, Uzbekistan, Ph.: (+99866)231-06-32, fax: (+99866)235-19-38, e-mail: patent@samdu.uz).

Dissertation is possible to review in Information-resource center at Samarkand State University (is registered №89) (Address: University Boulevard 15, Samarkand city, 140104, Uzbekistan, Ph.: (+99866)231-06-32).

Abstract of dissertation sent out on «17» 12 2021 year
(Mailing report № 1 on «17» 12 2021 year)

A.S.Soleev
Chairman of scientific council on award of scientific degree, Doctor of Physical and Mathematical Sciences, professor

A.M.Khalkhuzhaev
Scientific secretary of scientific council on award of scientific degree, Doctor of Physical and Mathematical Sciences

I.A. Ikromov
Vice-chairman of scientific Seminar under Scientific Council on award of scientific degrees, Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor

INTRODUCTION (Annotation of Doctor of Philosophy (PhD) dissertation)

Actuality and demand of the theme of dissertation. Many scientific and practical studies conducted around the world are devoted to scientific models of the processes occurring in the microworld. The development of the theory of quantum fields describing the phenomena of the microworld was the basis for the emergence of quantum mechanics. One of the most important physical quantities in any system of quantum mechanics is its energy. The analysis of the spectral properties of the energy operator i.e., Schrödinger operator is one of the main problems of quantum mechanics. In this regard, the particles systems of the energy operator on the lattice serve as the theoretical basis for experimental observations. Therefore, the development of research on discrete and essential spectrum of the energy operators corresponding to particles systems on the lattice remains to be important in solid state physics, quantum mechanics, and statistical physics.

The solution of problems related to the spectrum of families of energy operators corresponding to the gamiltonians of one- and two-quantum particle systems on a cubic lattice are important in mathematical physics. In particular, the development of the research to prove the existence of bound states of one- and two-particle discrete Schrödinger operators, to find the location of the essential spectrum and to determine sufficient conditions for the existence of eigenvalues outside the essential spectrum are very demanding.

In our country, a lot of attention is being paid to fundamental sciences which have scientific and practical applications. The spectral theory of the energy operators associated with systems of one and two particles moving on lattices have quite wide range of applications in various fields, therefore its development is of special importance. For the energy operators associated with systems of two particles moving on lattices, number of interesting results were obtained on the existence of bound states which is located outside of the essential spectrum and for their number under various conditions. Conducting research at the level of international standards in the priority areas of “Algebra and its applications, differential equations and their applications, linear systems, dynamic systems and mathematical modeling of their applications, stochastic analysis, medical-biological informatics, computational mathematics”[1] is identified as one of the main tasks of the scientific researches. To ensure the implementation of the decision, it is important to develop theory of quantum field and spectral theory of linear operators.

The subject and object of our dissertation are in line with tasks identified in the Decrees and Resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan of February 7, 2017, PF-4947, “On the strategy of action for the further development of the Republic of Uzbekistan”, PQ-4387 dated July 9, 2019 “On state support for

[1] Decree of President of the Republic of Uzbekistan at the “On state support for the further development of mathematics education and science, as well as measures to radically improve the activities of the Institute of Mathematics named after V.I.Romanovsky of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan” PQ-4387 dated July 9, 2019.

